



ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙЛИК ТАМОЙИЛИ

*Нурбоев Ш.
ЖДПУ*

Таянч сўзлар: илмий, тамойил, синф, ўқувчи, дарслик-мажмуа, эпик қаҳрамон, достон, адабиётшунослик, тасниф, савол-топширик.

Ключевые слова: научное, принцип, класс, ученик, учебник-комплекс, эпический герой, эпос, литературоведение, классификация, вопрос-задание.

Key words: scientific, principle, class, student, textbook-complex, epic hero, epic, literary studies, classification, question-assignment.

Мазкур тамойилни амалиётда қўллаш орқали филологик тадқиқотларда, хусусан, фолклоршуносликда ўз тасдиғини топган, илмий жиҳатдан исботланган назарий маълумотлар берилади. Ўқитувчи фаннинг энг сўнги ютуқлари асосида дарсликдаги муайян достон билан боғлиқ маълумотларни тизимли равишда ифодалаб беришга ҳаракат қилади. Масалан, муайян синфларда халқ достонларининг қайси бир намунаси ўрганилса, ўқувчилар ўтилаётган достоннинг ўзига хос хусусиятлари, сюжети эпик қаҳрамонлар таркиби, ҳар бир қаҳрамоннинг тавсифи, достоннинг ўзи қайси турга мансублиги ҳақидаги назарий маълумотлар билан ҳам танишадилар. Мавзу ўрганилиб бўлингандан сўнг дарсликда берилган савол-топшириқлар асосида муҳокама қилинган материаллар умумлаштирилиб, ўқитувчи томонидан янги дидактик материаллар билан тўлдирилгандагина ўқувчилар ўзлаштирган билимларини бойитади.

7-синф адабиёт дарслик-мажмуасидаги “Равшан” достони ҳақида: “Бадий образ ва муболағали тасвир” каби назарий материалларни илмийлик тамойили асосида ўрганиш ўқувчиларга достон, бахши, шоир, образ, тимсол, қаҳрамон ёки персанаж, бадий образ каби филология илмида марказий ўринни эгалловчи назарий тушунчаларнинг мазмун моҳияти шаклланади, шу тариқа ўқувчиларга фолклоршунослик ва адабиётшуносликдан дастлабки назарий маълумотлар берилади. Бу ўринда биргина мисол келтирамыз: образ – тим-



сол тушунчасининг кенг ва тор маъноларининг мавжудлигини билиб олган ҳар бир ўқувчи энг аввало, кенг маънодаги тимсол тушунчаси ижодкорнинг фикр-туйғулари сингдирилган ҳаёт манзарасини англатса, тор маънода бадиий асарда (хусусан, дostonда) акс этирилган инсон сиймосини (dostonларда эпик қахрамонни) ифодалашини билиб олади. Айни шу ҳолат шу ёшдаги ўқувчиларнинг илмий дунёкарашини, адабий-эстетик тафаккурини, мантикий фикрлаш малакасини шакллантиришга ёрдам беради.

8-синф ўқувчиларининг адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириш ҳолати

Саволлар мазмун	Синфлар											
	6-мактаб- нинг 8-А-синфи (назорат гурухи)			10-мактаб- нинг 8-Б-синфи (тажриба гу- рухи)			10-мактабнинг 8-А-синфи (назорат гурухи)			10-мактабнинг 8-Б-синфи (тажриба гурухи		
	Жами ўқувчи сони	Жавоб берганлар	Жавоб бермаганлар	Жами ўқувчи сони	Жавоб берганлар	Жавоб бермаганлар	Жами ўқувчи сони	Жавоб берганлар	Жавоб бермаганлар	Жами ўқувчи сони	Жавоб берганлар	Жавоб бермаганлар
Дostonнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўзга ташланади?	33	8	25	33	20	13	30	7	23	30	21	9
Халқ dostonлари билан ёзма адабиётдаги dostonлар қайси жиҳатлари билан фарқланади?	33	6	227	33	22	11	30	6	24	30	22	8
Ишқий – қахрамонлик dostonлари қандай хусусиятларга эга?	33	7	26	33	24	9	30	7	23	30	24	6

Достончилик мактаблари ва уларнинг ижрочиларидан кимларни биласиз ?	33	6	27	33	22	11	30	5	25	30	21	9
“Кунтуғмиш” достонининг ижрочилари кимлар ?	33	8	25	33	24	9	30	10	20	30	25	5

8-синф адабиёт дарслик мажмуасида илмийлик тамойили асосида ўрганиладиган халқ достонларидан “Кунтуғмиш” достонига дахлдор назарий маълумотлар 7-синф адабиёт дарслигидаги “Равшан” достони билан боғлиқ материаллар бир мунча мукамаллиги билан ажралиб туради. Ўқувчиларни дарслик-мажмуадаги “Кунтуғмиш достони ҳақида” соф назарий маълумот рукнида берилган “Ишқий-қахрамонлик достонлари”, шунингдек, ҳар бир дарс давомида ўқилган матни асосида ўринли фойдаланиш учун тавсия этилган 22 та савол ва топшириқлар каби қатор материаллар орқали муайян адабий-назарий тушунчалар билан қуроллантириш кўзда тутилган. Лекин мазкур дарслик- мажмуада берилган назарий билим ва тушунчаларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражаси талаб даражасидами? –деган ҳақли савол туғилиши табиий, албатта. Биз ушбу саволнинг натижасини билиш мақсадида кичик тажриба-синов уюштирдик ва анкета-сўровномаларни тарқатдик. Таъкидлан адабий –назарий билим ва тушунчаларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ савол-топшириқлар юзасидан Жиззах шаҳридаги 6,10 – ўрта мактабларнинг 8“А” ва 8“Б” синфларида тарқатган анкета сўровномаларига олинган жавоблар натижаси бу борада ҳали жиддий изланишларга зарурат борлигини кўрсатди. Унинг натижаларини қуйидаги жадвалда берамиз:

Халқ достонлари ҳақида тузилган сўровномаларни тарқатишдан олдин тажриба синф ўқувчиларига дарслик-мажмуанинг “Кунтуғмуш” достони ҳақида”, “Ишқий-қахрамонлик достонлари” мақолаларини синчиклаб ўқиш, агарда имконият топилса, “Ўзбек халқ поэтик ижоди”, “Ўзбек фольклори” дарсликларидан “Халқ достонлари” мавзусига мансуб назарий маълумотларни топиб ўқиш, ўзлаштириб олиш ва сўровнома саволларига жавоб беришда улардан бемалол ва самарали фойдаланиш тавсия қилиндики, уларнинг натижалари ҳар бир адабиёт ўқитувчисини қаноатлантириши табиий.

Лекин дарслик-мажмуадаги берилган материаллар асосида тузилган ва назорат гуруҳи ўқувчиларига тавсия этилган сўровнома саволларига берилган жавобларнинг натижалари мутлақо қониқарсиз аҳволда эканлиги, яъни мазкур гуруҳ ўқувчиларнинг халқ достонларига дахлдор адабий-назарий тушунчалар тўғрисида умумий тасаввурга эга эмаслиги кўзга ташланиб қолди,



холбуки бундай тушунчалар орқали халқ оғзаки ижоди жараёнини тушуниш, бахши ва бахшичилик санъати, дoston ва дostonчилик мактаблари, дostonлар санъати ва эпик қаҳрамонлар ҳақидаги маълумотларни тўлақонли даражада билиб олиш, шулар эвазига халқ дostonларидаги миллий кадрятларни, гўзал инсоний фазилатлар ва нафосатни англаш, идрок қилиш ўқувчиларнинг юксак савияда тарбия топишларига бирламчи сабаб-омиллар бўла олади.

Адабий таълимдаги илмийлик тамойили умумдидактик тамойилларнинг энг етакчиси сифатида, у ўқувчиларга фақат адабиёт дарсларидаги на адаби-аётшуносликка доир назарий маълумотларни ўргатиш тарзида амалга оширилмасдан, балки бадий асарлар, хусусан, халқ дostonлари сюжетдаги эпик тавсилотларни илмийлик жиҳатидан аниқлашга ҳам жуда катта имкониятлар яратиб беради. Дostonлар сюжетидаги халқ ҳаётининг турфа хил қирралари: масалан, урф-одатлар, удумлар ва таъқиқлар, анъаналар, ижтимоий турмуш тарзи, эпик қаҳрамонлар ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар халқона бадий сўз ва образ-гимсоллар воситасида ифодаланар экан, уларнинг маъно хусусиятларига, руҳий ва образлилигига илмий жиҳатдан ёндошишини тақоза қилади.

Масалан, 9-синф “Адабиёт” дарслигида берилган “Алпомиш” дostonини ўрганишда ўқувчилар халқ дostonларининг илмий таснифи (қаҳрамонлик, жангнома, романтик, тарихий, китобий дostonлар); фольклор намуналардаги анъанавий ифода усуллари (саъй, ўхшатиш, метафора, метонимия, эпитет, эпик қолип ва эпик формулалар); дostonда тилга олинган Қўнғирот уруғи (вахтамғали, қўштамғали, конжиғали, айнли, тортувчи)га мансуб аҳолининг Жанубий Ўзбекистон худудларида, аниқроғи, Сурхон воҳасида истиқомат қилиши, унинг этник таркиби, худудий ва демографик хусусиятларини ўзлаштира боради.

Адабиётлар:

1. S.Olim va b. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktabjarining 8-sinfi uchun darslik majmua. T.-2019. – B.40-42.
2. “Алпомиш” дostonи. 9-синф “Адабиёт” дарслиги.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада 7-8-9-синфларда ўрганиладиган “Равшан”, “Кунтуғмиш” ва “Алпомиш” халқ дostonлари билан боғлиқ назарий маълумотлар берилган. Шунингдек, ҳар бир синф ўқувчисининг илмий дунёқарашини ўстиришга ва мустақил фикрлаш қобилиятини кенгайтиришга хизмат қиладиган фикр-мулоҳазалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приводятся теоретические сведения о народных эпосах «Равшан», «Кунтугмиш» и «Алпомыш», изучаемых в 7-8-9 классах, а также приводятся мнения, которые послужат развитию научного мировоззрения учащихся каждого класса и расширять способность мыслить самостоятельно.

SUMMARY

This article provides theoretical information about the folk epics «Ravshan», «Kuntug'mish» and «Alpomish» studied in the 7th-8th-9th grades. Also, opinions are given that will serve to develop the scientific worldview of students of each grade and expand the ability to think independently.